

**Даврий матбуот нашрларига обуна расмийлаштириш ва тарқатиш
ШАРТНОМАСИ № 133/4**

Андижон шаҳри

“19” 01 2022 йил

Шартнома тузувчи томонлар

Устав асосида фаолият юритувчи «Андижон матбуот тарқатувчи» МЧЖ бундан бўён «Обуна қилувчи» деб юритилувчи номидан жамият директори *М.К. Раҳимов* бир томондан, ва *Андижон вилояти ҳалқ таълими бошқармаси* бундан бўён «Обуначи» деб аталувчи номидан *Фошиқарма бошлиги А.З. Миркамилов* иккинчи томондан қуидаги мазмунда ушбу шартномани тузадилар.

1. Шартнома предмети

1.1. «Обуна қилувчи» ушбу шартномага асосан **2022 йил обуна** нашрларини «Обуначи»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги нашрларни **2022 йил давр ичida** етказиб беради. «Обуначи» етказиб берилган нашрларни кабул қилиб олиб, тўлов хужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштиради. «Обуначи» тўлов хужжатларига асосан белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя килган холда харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда хисоб рақамидан тўловларни амалга оширади.

2.1. Мазкур шартноманинг кўшимча қиймат солиги (15%) билан суммаси **144 216 072,00 (бир юз қирқ тўрт миллион икки юз ўн олти минг етмииш икки)** сўм 00 тийинни ташкил этади.

Етказиб бериладиган нашрларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори ва нархи қуидагича:

№	Нашр номи	Миқдори	муддати	1 ой нархи (сўм, тийин)	Суммаси (сўм, тийин)	ҚҚС 15% (сўм, тийин)	ҚҚС билан суммаси (с.т.)
1.	Андижоннома	638	6 ой	32 760,00	125 405 280,00	18 810 792,00	144 216 072,00
	Жами:				125 405 280,00	18 810 792,00	144 216 072,00

2.2 «Обуначи» етказиб бериладиган нашрлар учун ҳисоб-китобни шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) банк куни ичida 100% миқдоридаги суммани «Обуна қилувчи»га тўла ўтказиб беради.

2.3. «Обуначи»га нашрлар «Обуна қилувчи»нинг ходимлари орқали Андижон вилояти ҳалқ таълими бошқармасининг вилоятда жойлашган шаҳар ва туман бўлимлари манзилларига етказиб берилади.

2.4. «Обуна қилувчи» тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда нашрларни етказиб беради.

2.5. «Обуна қилувчи» томонидан «Обуначи»га мазкур шартноманинг умумий қийматидан ортиқ суммада нашрларни етказиб берилган холатларда, шартнома умумий суммасидан ортиқ қисми учун ҳақ тўламайди, томонларнинг ўзаро ёзма кўшимча келишувига асосан етказиб берилган холатлар бундан мустасно.

3. Шартномани бажарилиши

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган хисобланади.

3.2. «Обуначи» илгари берилган талабнома (буортма)ни бекор килишга ёки нашрларнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга хақлидир, бу хақда «Обуна қилувчи» ни талабномада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 (бир) ой олдин хабардор қиласи.

3.3. «Обуначи» муддатлар бузилган холларда етказиб берилган нашрларини қабул қилишни рад этишга хақлидир.

3.4. «Обуначи» «Обуна қилувчи» томонидан нашрларни ўз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсиз, муддати ўтган нашрларни етказиб берилган холатларда шартномани «Обуна қилувчи»ни ёзма хабардор қилган холда бир томонлама бекор қилиш мумкин. Қолган

холатларда шартнома шартларига тегишли ўзгаришилар томонларнинг ўзаро қўшимча келишувларига мувофиқ киритилади.

4. Томонларнинг мажбуриятлари

«Обуна қилувчи» нинг мажбуриятлари

4.1. «Обуна қилувчи» етказиб бериладиган нашрларнинг сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ бўлишини хамда тегишли сертификати ёки тахлил баёнига эга бўлишини ва ўзаро келишилган микдорда бўлишини таъминлади.

4.2. Нашрларни қабул қилиб олиш вактида аникланган камчиликларни «Обуначи» талабига мувофиқ 3 кун муддатда бартараф этади.

«Обуначи» нинг мажбуриятлари

4.3. Шартнома бўйича етказиб берилган нашрларини мазкур шартномадаги нашрлар рўйхатига мувофиқ қабул қилиш.

5. Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик

5.1. Нашрларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган холларда, «Обуна қилувчи» «Обуначи» га кечикирлган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 15% идан ошиб кетмаслиги лозим. Пеня тўлаш «Обуна қилувчи» ни нашрларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган нашрлар хакини ўз вактида тўламаганлик учун «Обуна қилувчи» га ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечикирлган тўлов суммасининг 0,4 фоизли микдорида, аммо кечикирлган тўлов суммасининг 20%идан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6. Низоларни хал этиш тартиби

6.1. Келишмовчилик ва низоли масалалар келиб чиқкан тақдирда, томонлар қоидага кўра мустақил равишда уларни судгача хал қилиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат этишга хақлидир.

7. Форс-мажор

7.1. Форс-мажор холатлар, жумладан ер кимирлаши, сел келиши каби табиий оғатлар, шунингдек, Узбекистон Республикаси Хукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган холатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

8. Шартномани амал қилиш муддати

8.1. Шартнома икки томонлама тасдиқланиб рўйхатга олингандан сўнг кучга кириб 202~~2~~ йил 31 декабрь кунига қадар амалда бўлади. Нашрларни етказиб бериш муддати 202~~2~~ йил 31 декабрь кунига қадар.

8.2. Мазкур шартнома 2 (икки) нусхада тузилиб, бир хил ҳуқукий кучга эга.

9. Томонларнинг манзиллари ва реквизитлари

«Обуна қилувчи»


«Обуначи»

«Андижон матбуот тарқатувчи» МЧЖ

Андижон ш., Бобур шоҳкўчаси, 108-үй.
Х.р.: 2020 8000 8002 1416 3010
МФО 00401 АТ "Алокабанк" Бош офис
СТИР 200 240 091 ОКЭД 47620
Тел.: (74) 223-82-12, (95) 202-82-12



М. Рахимов



М. Рахимов
Геридж. 8/08/2020
М. Рахимов